O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2001 йил 7 апрел шанба
Сотувда эркин нархда
№ 69 (2631)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Карпаторти вилояти давлат маъмурияти ва вилоят кенгаши ўлкамизда 2001 йил март ойида юз берган тошқин туфайли зарар кўрган аҳолига кўрсатилган тезкор ёрдам учун Сизга самимий миннатдорлик изҳор этади.

Кўрсатган мурувватингиз ўлка аҳолиси ҳамжиҳатликда табиий офат оқибатларини бартараф этишидан далолат беради.

Ҳамкорлик учун миннатдорлик билдирамиз.

Эҳтиром ила,

В.И.Балога,
вилоят давлат маъмурияти раиси,
И.В.Иванченко,
вилоят кенгаши раиси.

ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2-5 апрел кунлари расмий ташриф билан Германия Федератив Республикасида бўлди

Президентимиз Германияга жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида ва ватанимизга қайтаётиб самолётда берган интервьюларида мамлакатимиз раҳбарларининг хорижий давлатларга буюраётган расмий ташрифлари моҳиятида муҳим ўзгариш юз берганини таъкидлади. Хўш, бу ўзгариш нимадан иборат? Илгари хориж сафарига чиқилганида мақсад, асосан, Ўзбекистонни танитиш, у ҳақда маълум таассурот уйғотиш, иқтисодиётимизга сармоя киритиш учун чет эл ишбилармонларини юртимизга чорлашдан иборат бўлар эди. Германия сафари бу жиҳатдан бирмунча фарқ қилди.

— Бугунга келиб жаҳон ҳамжамияти мамлакатимиз ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиб улгурди, — деди давлатимиз раҳбари. — Биз хорижий ташрифларда бўлиб, катта-катта анжуманларда қатнашиб, Ўзбекистонга, унинг очилмаган имкониятларига нисбатан чет элларда катта қизиқиш уйғота олдик. Бу борада олиб борган ташқи сиёсатимиз анча самарали бўлди. Хорижий давлатлар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларимизнинг тобора мустаҳкамланаётгани ҳам бунда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимизнинг бу фикри Берлин ва Дрезденда ўтган кўпдан-кўп мулоқотларда ҳам ўз исботини топди. Ислом Каримовнинг ГФР давлат ва ҳукумат бошлиқлари, раҳбариятидаги энг нуфузли сиёсатчилар билан учрашувлари эса уларнинг Ўзбекистонни минтақамиздаги муҳим ҳамкор сифатида билишини яна бир бор исботлади. Давлатимиз раҳбарининг Федерал президент Йоҳаннес Рау, Федерал канцлер Герҳард Шрёдер, Бундестаг раиси Волфганг Тирзе, вице канцлер, федерал ташқи ишлар вазири Йошка Фишер, федерал ички ишлар вазири Отто Шили, федерал иқтисодиёт ва технология вазири Вернер Мюллер каби нуфузли сиёсатчилар билан учрашувлари, сўзсиз, юртимизга бўлган улкан қизиқиш ва эътиборнинг белгисидир. Айтмоқчимизки, бир сафар давомида, нафақат бугунги Германия сиёсатида, балки Европада катта нуфузга эга бундай арбоблар билан мулоқот ўтказиш ва кўплаб масалалар бўйича якдилликка эришишнинг ўзини ташрифнинг муваффақияти, деб баҳоласа бўлади.

Президентимизнинг Германия федерал вазирлари билан ўтказган музокараларига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Ташқи ишлар вазири Йошка Фишер билан мулоқот Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсати дунё миқёсида қўллаб-қувватланиши, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликнинг ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилса, ички ишлар вазири Отто Шили билан музокара халқаро террорчилик, уюшган жиноятчилик, наркотикларнинг ноқонуний савдосига қарши курашда Германиядек нуфузли шерикка таяниш имкониятини беради. Иқтисодиёт ва технология вазири Вернер Мюллер ва иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт вазирлигининг давлат котиби Эрих Штатер билан мулоқотлар эса мамлакатимизга илғор немис технологияси кириб келиши, иқтисодий ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши учун янада кенгроқ йўл очади. Шунингдек, Германиянинг Европа Иттифоқидаги нуфузли ўрнини ҳисобга олиб айтганда, бу сафар мазкур тузилма давлатлари билан ҳам ҳамкорлик алоқаларининг сезиларли кенгайишига хизмат қилади.

Ислом Каримов Тошкент ва Берлин шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон-Германия муносабатларининг муҳим бўғини эканини алоҳида қайд этди. Берлиннинг бошқарувчи бургомистри Эберхард Дипген билан учрашувда мана шу алоқаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Шуниси диққатга сазоворки, икки давлат пойтахтларининг ҳамкорлиги бугун нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-маданий соҳаларни ҳам тобора кенгроқ қамраб олмоқда.

Берлинда Ўзбекистон элчихонаси янги биносининг очилиш маросими юртимизнингтина эмас, Германия ҳаётида ҳам катта воқеа бўлди, дейиш мумкин. ГФР пойтахти Бонндан Берлинга кўчирилгач, бу ерда бирин-кетин хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари очила бошлади. Бироқ уларнинг барчасининг ҳам очилиш маросими Ўзбекистонникидек тантанали кечгани йўқ. Тадбирда икки юзга яқин меҳмон қатнашди ва улар орасида ГФР Бундестагининг йигирмадан ортиқ депутати, кўплаб федерал вазирлик раҳбарлари бор эди. Соғлиғи унчалик яхши эмаслигига қарамай, Германиянинг собиқ Федерал президенти Роман Ҳерцог ҳам бу маросимда иштирок этди.

Элчихона биносидаги безаклар, ҳақиқатан ҳам, кишини лол қолдирадиган даражада чиройли ишланган. "Усто" бирлашмасининг қўли гул ҳунармандлари томонидан деворларга ишланган паннолар кўпчилик меҳмонларни ҳайратга солди. Ислом Каримов Европанинг шундай бир сўлим, нуфузли гўшасида бу қадар гўзал иншоот бунёд этиш катта иш эканини алоҳида таъкидлади. Бу Ўзбекистоннинг маданиятини, салоҳиятини, бугунги нуфузини намойиш қиладиган бинодир, деди Президент.

Немис ишбилармонлари билан мулоқотлар ташриф дастурининг муҳим қисмларидан бири бўлди. "Даймлер-Крайслер"нинг Берлиндаги бош қароргоҳида Ислом Каримов немис бизнес оламининг етакчи вакиллари билан учрашди. Бу тадбир Германия иқтисодиёти шарқий қўмитаси томонидан ташкил этилди. Бу қўмита Шарқ мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштириш билан шуғулланади. Учрашувда Президентимиз йиғилганларга Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, хомашё заҳиралари, улардан фойдаланиш имкониятлари тўғрисида гапириб берди.

Ўзбекистонда мавжуд минерал хомашё заҳиралари, америкалик экспертларнинг ҳисоб-китобига қараганда, 3,3 триллион АҚШ долларни ташкил этади. Ислом Каримов немис ишбилармонларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик, кимё ва тоғ-кон саноати, коммуникация тармоғи бўйича ҳамкорлик қилишни таклиф этди.

— Бугун биронта немис фирма ёки компанияси Ўзбекистоннинг ўз зиммасига олган мажбуриятини бажармагани, ўзаро ҳисоб-китобларда ноқобиллик қилгани тўғрисида эътироз билдира олмайди, — деди давлатимиз раҳбари. — Минтақамиздаги баъзи мамлакатларда бундай келишмовчиликлар юз берганини яхши биламиз. Шу сабабли фахр билан айта оламанки, бирор хорижий компанияни, айниқса, ўзимизнинг ишончли ҳамкоримиз деб билганларни ҳеч қачон ноқулай ҳолда қолдирмаганмиз, қолдирмаймиз ҳам.

Шу ўринда эътиборга сазовор бир воқеани эсламай бўлмайди. Ислом Каримов билан мулоқот бошида немис ишбилармонлари ўзбекистонлик талабалар учун иккита стипендия жорий этишларини маълум қилди. Аммо учрашув давомида Президентимизнинг самимий мулоқотга киришиб кетгани, ишбилармонларда ўзига, мамлакатимизга бўлган ишончни янада оширишга эришгани сабабли бу стипендиялар сони ўнтага етди. Бундай ҳолни Саксониядаги учрашувда ҳам кузатдик. Дастлаб иккита бўлган стипендиялар сони мулоқот охиригача 15 тага бориб қолди. Бу, биринчидан, давлатимиз раҳбарининг самимий суҳбати дарҳол амалий натижа берганидан даракдир. Иккинчидан, шу кичкина, бир қарашда арзимасдек туюлган мисоллар орқали немис ишбилармонларининг Ўзбекистонга ишончи янада мустаҳкамлангани, бу эса келажакда иқтисодиётимизга катта ҳажмда сармоя киритилиши учун замин яратганини кўрсатади. Қолаверса, энди Германияда таълим оладиган ўзбек ёшларининг сони янада ошади.

Давлатимиз раҳбари Саксония федерал ерига бежиз ташриф буюрмади. Саксония Ўзбекистон билан Германия савдо-сотиғида муҳим ўрин тутади. Яъни, бу алоқаларда 30-35 фоиз улуш айнан мазкур федерал ер ҳиссасига тўғри келади.

1990 йилда икки немис давлати бирлашгандан сўнг янги федерал ерлар ташкил этилди. Саксония шулардан бири ҳисобланади. Унинг аҳолиси 4,7 миллион киши, майдони эса 18,338 квадрат километрдир. Саксония янги ерлар орасида саноатлаштириш даражаси энг юқорилиги билан ажралиб туради. Федерал ер маркази Дрезден шаҳри ниҳоятда гўзаллиги учун "Элба бўйидаги Флоренция", "Барокко маржони" каби таърифларга сазовор бўлган.

Илгари хабар берганимиздек, Ислом Каримов "Сименс" гуруҳининг "Инфинеон технолоژис Дрезден" тармоқ корхонаси билан танишди. Бу ерда, асосан, компютерлар, принтерлар ва бошқа замонавий ускуналар учун чиплар ишлаб чиқарилади. Таъкидлаш жоиз, дунёда, бу ердагидан ташқари, фақат "Майкрософт" ва "Самсунг" корпорацияларигина шундай юксак технология маҳсулоти ишлаб чиқаради.

— Бу ерга томоша учун, ҳайратланиш учун келганимиз йўқ, — деди Президент. — Мақсад бу корхона маҳсулотини Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, компаниянинг юқори технологиясини юртимизга киритишдир.

Давлатимиз раҳбарининг айтишича, бизда бундай маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш нисбатан осон кечади. Чунки Ўзбекистонда бу борада керакли мутахассислар тайёрловчи махсус олий ўқув юртлари бор.

Германияга ташриф давомида ўн тўртта ҳужжат имзоланди. Улар молия, сайёҳлик, фан-техника, наркотиклар контрабандасига қарши кураш каби соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришни назарда тутади. Ҳужжатлар орасида, айниқса, сайёҳлик соҳаси бўйича имзоланган ҳужжатлар анчагина. Улар Ўзбекистонга сайёҳлар оқимининг кўпайишида, соҳа бўйича немисларда тўпланган тажрибани ўрганишда жуда қўл келади. Молиявий ҳамкорлик соҳасидаги бир неча келишув эса кредитлар олиш, турли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

Сўнгги юз йилдан ортиқроқ вақт ичида Ўзбекистон иккинчи уйғониш даврини бошидан кечирмоқда. XIX аср охири — XX аср бошларида жадидлар ўзбек ёшларини хорижда, жумладан, Германияда ўқитишга ва маърифатини оширишга уринган эди. Аждодларимизнинг бу саъй-ҳаракати чор мустамлакаси зулмидан эзилаётган халқнинг қаддини тиклашга бўлган улкан интилиш эди.

Истиқлол эса халқимиз тарихидаги янги уйғониш даврини бошлаб берди. Бироқ бу гал биз мустақиллик берган имконият ўлароқ миллатимиз қаддини тиклаш, юртимизни жаҳоннинг ривожланган давлатлари сафидан жой олиши учун жуда кенг кўламдаги ишларни амалга оширяпмиз. Улар сиёсий, ижтимоий, маданий, иқтисодий, қўйингки, ҳаётдаги барча соҳаларни қамраб олган. Биз дунёнинг кўплаб ривожланган давлатлари қатори Германия билан ҳам муносабатларимизни юксак поғоналарга кўтаришга ҳаракат қиляпмиз. Ислом Каримовнинг Германия Федератив Республикасига мазкур учинчи ташрифи эса ўзаро ҳамкорликнинг янги босқичи бошланаётганидан далолат беради.

Анвар КАРИМОВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Берлин-Дрезден-Тошкент.

СУРАТЛАРДА: ташриф пайтидан лавҳалар. Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ, Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

Олий Мажлисда

Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси йиғилишида «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги ва «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунларнинг Бухоро вилояти ҳамда республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан қандай ижро этилаётганлиги масаласи кўриб чиқилди.

Фермерга имкон беринг

Йиғилишда таъкидланишича, Бухоро вилоятида деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, вилоятда жорий йилнинг феврал ҳолатига кўра 4069 фермер хўжалиги ташкил этилган бўлиб, уларнинг 3632 таси деҳқончилик ва 437 таси эса чорвачилик билан машғул. Фермерликни янада ривожлантириш мақсадида ўтган йили 443 дан ортиқ турли молиялаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилди. Лойиҳалар асосида айни дамга қадар 882,3 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, қишлоқ хўжалиги техникаси, чорва моллари ва айланма воситалар харид қилинган. Лекин бу билан ҳамма иш кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Нимагаки, чорвачилик билан шуғулланаётган айрим фермерларга ажратилган ерларнинг энг кам ўлчами қонуннинг 5-моддасида кўрсатилган миқдордан анча оз. Аксарият ҳолатларда уларнинг Низоми ва бошқа ҳужжатларида ихтисоси кўрсатилмаган. Ажратилган сув лимити улар жойлашган ҳудуддаги ширкат хўжалиги учун белгиланган лимитларга қўшиб юборилганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Шу билан биргаликда фермерларни ёнилғи-мойлаш ашёлари, минерал ўғит, ем-хашак билан таъминлаш ҳам суст.

Мазкур қонунларнинг республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасидаги ижросидан маълум бўлишича, айни дамда мамлакатимизда 43759 фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларга бириктириб берилган ер майдонлари 889,6 минг гектарни ташкил қилиб, жами экин майдонларининг 21,4 фоиздан ортиқроғини ташкил этади. Ҳисобланганда ҳар бир фермер хўжалигига тўғри келаётган ўртача ер майдони 20,5 гектарни ташкил этиб, алоҳида вилоятлар бўйича эса 9 гектардан 36,1 гектаргача бўлган оралиқда ўзгариб туради. Қувонарли томони шундаки, фермерлар ишлаб чиқараётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг миқдори йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Фермер ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш борасида уюшма талайгина ишларни амалга оширганига қарамасдан тизимдаги хўжаликларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар талабга жавоб беради, деб бўлмайди. Аксарият вилоятларда мавжуд нуқсонларнинг олдини олиш чоралари кўрилмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири уюшманинг айрим бўлим бошлиқлари, етакчи ходимларининг билим ва малакалари паст даражада эканлигидадир.

Қўмита раиси Искандар Қаландаров олиб борган мазкур йиғилиш баҳс-мунозараларга бой бўлди. Иштирокчилар фермерликни янада юксалтириш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари ҳақида фикрлашдилар. Билдирилган таклиф-мулоҳазалар асосида тегишли қарор қабул қилинди.

Эркин МАВЛОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Соҳибқирон сиймоси рассомлар нигоҳида

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Буюк Соҳибқирон сиймоси ўзбек рассомлари ижодида" мавзуидаги кўргазма очилди.

Амир Темур таваллудининг 665 йиллигига бағишланган ушбу кўргазма очилиши маросимида сўзга чиққанлар мустақиллик туфайли мамлакатимизда қадим тарихимиз ва бой маънавий-маданий меросимиз чашмалари қайта кўз очиб, тарихда ўчмас из қолдирган буюк аждодларимиз номи қайта тикланаётганини алоҳида таъкидладилар. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратлари хотирасини тиклаш ва абадийлаштириш борасида, айниқса улкан, хайрли ишлар амалга оширилди. Буюк бобокалонимиз сиймоси улуғвор саркарда ва давлат арбоби сифатида яна ўз ўрнини топди, шахсиятининг нодир хислатлари, фаолияти билан боғлиқ манзаралар рассом ва ҳайкалтарошларимиз ижодида ҳам турфа рангларда акс эттирилмоқда. Таниқли саъаткорлар Н.Кўзибоевнинг кўргазмага қўйилган "Амир Темур", Й.Турсунназаровнинг "Буюк соҳибқирон", Қ.Башаровнинг "Ҳарбий машқ" каби асарларида бу жиҳатлар айниқса кўзга яққол ташланади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Қувурлар Қаршида тайёрланади

Ҳа, худди шундай. Қаршидаги «Қаршитермопласт» заводида. Бунинг учун завод раҳбарияти Германиянинг «Ёрмафа» компанияси билан шартнома тузди. Айни пайтда 1 миллион 930 минг дойч марка қийматидаги жиҳозлар, асбоб-ускуналар келтирилиб, уларни ўрнатиш ишлари бошлаб юборилди. Бу ишлар ниҳоясига етгач, ҳар йили 4,5-5 минг километр газ ва сув қувурлари ишлаб чиқарилади.

Ўз мухбиримиз.

Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.

ЎЗБЕКИСТОН банклари жаҳон бозорига чиқмоқда

ЎзА мухбирининг Ўзбекистон банки иштирокида тузилган илк халқаро банк — "ABN-AMRO Bank NB Uzbekistan A.O"нинг бош бошқарувчиси жаноб Ҳюго Миндерҳауд билан суҳбати.

— Жаноб Миндерҳауд, аввал, "АБН-АМРО Банк"нинг тарихи ва ҳозирги кундаги фаолияти тўғрисида сўзлаб берсангиз.

— "АБН-АМРО Банк" 1991 йилда Нидерландиядаги икки энг йирик банк - "АБН" ҳамда "АМРО"нинг бирлашиши натижасида пайдо бўлган қўшма муассасадир. Унинг тарихи 1824 йилга бориб тақалади. Маълумки, бир пайтлар Осиёда Нидерландия қироллигининг мустамлакаси бор эди. "АБН" аввалига ўша собиқ мустамлака мамлакат билан савдо-сотиқ қилувчи компания сифатида ташкил этилган. Вақт ўтиши билан айрим бирлашишлар ва турли хил молиявий операциялар натижасида "АБН" кичкинагина савдо компаниясидан йирик банкка айланди. "АБН" ва "АМРО"-нинг бирлашишидан мақсад жаҳон молия бозорида биргаликда иш юритиш, рақобатбардошлиликни оширишдир. Ҳозирги кунда банкимиз йириклиги жиҳатдан Европада бешинчи, жаҳонда эса ўн олтинчи ўринда туради. Унинг етмиш олти давлатда уч ярим мингга яқин ваколатхонаси бўлиб, молиявий активлари 533 миллиард еврони ташкил этади.

— Жаноб Миндерҳауд, билишимизча, Сиз Ўзбекистонда 1995 йилдан буён фаолият юритасиз. Тажрибали ишбилармон сифатида Ўзбекистон иқтисодиётидаги, хусусан, банк соҳасидаги ўзгаришлар ҳақида нима дея оласиз?

— Юртингизга илк маротаба келганимдаёқ, мамлакатингизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида жуда катта ўзгаришлар бошланганига гувоҳ бўлган эдим. У пайт Ўзбекистон эндигина дунёга чиқаётган, жаҳоннинг энг йирик ишбилармонлари унга катта қизиқиш билан қараб, ўртада жиддий алоқалар ўрнатила бошланган эди. Ҳозирги кунга келиб, бу алоқалар анча мустаҳкамланди. Ўзбекистон ҳукумати иқтисодиётни янада ривожлантириш ва ислоҳотларни изчил давом эттиришга ҳаракат қилаётгани, хусусан, банк соҳасида 1995 йил билан ҳозирги кундаги шароитни солиштирганда жуда катта ўзгаришлар юз берганига амин бўлиш мумкин. Ўзбекистон бу соҳада халқаро андозалар даражасига кўтарила олди, десак муболаға бўлмайди.

Илгарилари шундай бир ҳолатнинг гувоҳи бўлардим. Агар давлатга қарашли бирор корхона қийин аҳволда қолса, хусусий ёки тижорат банки хоҳласа-хоҳламаса унга кредит беришга мажбур эди. Ҳозир банклар кимга кредит ажратишу кимга ажратмасликни ўзи белгилайди. Шунинг ўзи ҳам жуда катта ютуқ.

— "АБН-АМРО Банк"нинг Ўзбекистондаги фаолияти, у иштирок этаётган лойиҳалар тўғрисида ҳам сўзлаб берсангиз.

— "АБН-АМРО Банк"нинг Ўзбекистондаги фаолияти тўғрисида гапира туриб, шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, у Ўзбекистон банки иштирокидаги илк халқаро банкни тузишда фаол қатнашди. "ABN-AMRO Bank NB Uzbekistan A.O." деб номланган мазкур банк 1996 йили "АБН-АМРО Банк", Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) иштирокида тузилганди. Мазкур банк Ўзбекистон билан алоқа қилувчи хорижий фирма ва компанияларга ҳамда чет эллар билан савдо-сотиқ қилувчи ўзбек ишбилармонларига хизмат кўрсатади. Банкнинг низом жамғармаси 10 миллион АҚШ доллари миқдорида белгиланган бўлиб, шунинг 50 фоизини "АБН-АМРО Банк", 30 фоизини Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, қолганини ХМК ва ЕТТБ ажратган. Томонларнинг розилиги билан банк бошқаруви "АБН-АМРО Банк"ка топширилди. Ҳозирги кунга келиб, банк беш юздан ортиқ корпоратив мижозга эга. Яқинда "ABN-AMRO Bank NB Uzbekistan" юртингиз ҳудудида "Маэстро" ҳамда "Мастер кард" кредит карталари бўйича хизмат кўрсата бошлади. Айтиш жоизки, ҳозирги кунда бу ҳуқуқ фақатгина бизнинг банкимизда бор.

"АБН-АМРО Банк" иштирок этаётган лойиҳаларга келсак, бу йўналишда ҳам фаолиятимиз кўлами анча кенг. Улар орасидан фақатгина иккитасини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Биринчиси Қашқадарё вилоятидаги Шўртан газ конденсати конида сиқув компрессор станциясининг лойиҳаси бўлиб, "АБН-АМРО Банк" АҚШдан ускуна сотиб олиш учун 152,44 миллион долларлик кредит ажратган. Иккинчи лойиҳа эса Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига замонавий ускуналар келтиришни кўзда тутади. 90 миллион долларга тенг бўлган мазкур лойиҳада "АБН-АМРО Банк" молиявий агент сифатида иштирок этган. Ана шу лойиҳаларнинг ўзи ҳам банкимизнинг Ўзбекистондаги фаолият кўлами ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш учун етарли, деб ўйлайман.

— Сиз Ўзбекистон банкларининг жаҳон молия хизматлари бозорига чиқиш истиқболини қандай баҳолайсиз?

— Ўзбекистон банкларининг жаҳон молия хизматлари бозорига чиқиш жараёни бошланганига анча бўлди. Ҳозирги кунга келиб, улар дунёнинг энг етакчи банклари билан алоқа қилмоқда. Банкларнинг эркинлиги, улар кўрсатаётган хизматлар кўлами мунтазам равишда кенгайиб боряпти. Ўзбекистон иқтисодиётида банклар, хусусий ва тижорат банкларининг алоҳида ўрни бор. Шунингдек, банклар замонавий технологияларни ўзлаштириб, жаҳон бозорига чиқиш имкониятларини кенгайтираётгани ҳам қувонарли ҳол. Лекин, энг муҳими, мана шу ўтган қисқа вақт ичида Ўзбекистон банклари дунё молия бозорида ҳурмат ва ишончга сазовор бўлди. Бу эса самарали ва ҳар томонлама фойдали бизнесни, мамлакат иқтисодиётини юксалтириш асосларидан биридир.

Бобур СОБИРОВ суҳбатлашди. (ЎзА).

Республикамизга қўшни давлатлар — Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистонда оқсил касаллиги қайд этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар анчадан бери маълум. Хўш, бу мамлакатларнинг бизга чегара ҳудудларида аҳвол қандай? Касалликнинг олдини олишга мутасадди бўлган идораларнинг вакиллари қандай фаолият кўрсатишмоқда? Биз шу мақсадда Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ишлар билан танишдик.

Назоратчилар ҳушёр

Тошкент вилоятида оқсил касаллигининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида

Янгийўл тумани ҳудудининг Қозоғистон Республикаси Чимкент вилояти билан чегараси 28 километрга чўзилган. Қишлоқлар бир-бири билан туташиб кетган. Ўзбеклар ва қозоқлар аҳил истиқомат қилишади. Одамлар бир-бири билан қуда-анда бўлиб кетишган. Албатта, бундай шароитда чегараларни қўриқлаш, бирор касаллик кириб келишининг олдини олиш осон эмас. «3-Халқобод» божхона масканининг Навоий бўлимида қўшни давлатга ўтадиган йўл мавжуд. Бу ерда ҳозир чегарачилар, божхоначилар билан биргаликда туман ветеренария бўлими, санитария-гигиена хизмати ходимлари мамлакатимиз ҳудудига кириб келаётган автомашиналар ва фуқароларни назоратдан ўтказишмоқда. Масканда дизотўшама, умуман, қўриқдан ўтказиш учун барча воситалар муҳайё. Ҳар бир машина дизенфекция қилинади. Фуқаролар эса тиббиёт назоратидан ўтказилиб, оқсил ва бошқа юқумли касалликлар билан гумон қилинган кишилар орқасига қайтариб юборилмоқда. Шу билан бирга, оқсил ва бошқа касалликлар тўғрисида маълумот берувчи махсус бурчаклар ташкил қилинган. Уй ҳайвонлари, гўшт ва сут маҳсулотларининг олиб ўтилишига йўл қўйилмаяпти.

Биз божхона масканида бўлган куни ҳам иш юритиш журналида 2 килограмм гўшт, шунча килограмм сузма ва 1,5 литр сут қайтариб юборилганлиги тўғрисида маълумот қайд этилганлигини кўрдик.

— Ҳар қандай озиқ-овқат маҳсулотининг олиб ўтилишига қатъий чек қўйилган, — дейди туман ветеренария хизмати бош врачи М.Рихсибоев. — Лекин онда-сонда бўлса-да, баъзи фуқаролар «1 ёки 2 килограмм гўшт ёки сут ҳеч нарса қилмайди» деган фикрда уларни божхонадан олиб ўтишга ҳаракат қилишади. Биз уларга оқсил касаллиги тўғрисида батафсил маълумот бериб, олиб ўтилаётган маҳсулотда вируслар учрамаслиги мумкинлигини, лекин касаллик эпидемия бўлганлиги сабабли, бунга кафолат йўқлигини тушунтираяпмиз.

Янгийўл шаҳрида ҳам оқсил касаллигининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Масалан, жорий йилнинг бошидан бери 1607 бош йирик шохли мол ва 773 бош майда шохли мол эмланди. Ветеринария-санитария станцияларида етарли даражада вакциналар мавжуд. Бозорлар, гўшт дўконлари, қушхоналар, гўшт комбинатлари деярли ҳар куни назоратдан ўтказилмоқда. Деҳқон бозорида гўшт ва сут маҳсулотлари сотишдан аввал тўлиқ ветеринария кўригидан ўтказилади. Маҳсулот олиб келган кишиларга ветеринар врачдан маълумотнома олингандан кейин бозорга киришга рухсат этиляпти.

Чиноз туманидаги «Яллама» божхона масканидан ҳам ҳар куни республикамиз ҳудудига юзлаб енгил ва юк машиналари ўтади. Бу масканда мана, бир неча ойдирки, чегарачилар ва божхоначилар билан бир қаторда ветеринария хизмати, санитария-эпидемиология ходимлари сергак туришибди. Машинанинг ғилдираклари ва юк сақланадиган жойи дизенфекция қилинмоқда. Шу билан бирга, одамлар ҳам тиббиёт кўригидан ўтказилаяпти. 19-30 март кунлари 711 фуқаро текширилиб, уларнинг 110 нафари орқасига қайтариб юборилди. Гўшт ва сут маҳсулотлари олиб ўтилиши умуман тақиқланган.

Чиноз туманида эса 8 та гўшт дўкони қассоблари санитария қоидаларини бузганлиги учун жаримага тортилди. 5 та объект ёпиб қўйилди. Бозорда қорамолларнинг 35 килограмм ичакчавоқлари истеъмолга яроқсиз деб топилди. Одамлар билан 131 марта учрашув ўтказилиб, оқсил касаллиги тўғрисида суҳбатлар уюштирилди.

Умуман, вилоятнинг қўшни давлатлар билан чегарадош ва асосий магистрал йўлларига яқин ҳудудларида оқсил касаллигининг ўтиш хавфи борлиги боис, чорва моллари тўлиқ эмланиб, буфер зоналар ташкил қилинмоқда. Бундай ҳудудларга Бекобод, Бўка, Зангиота, Қибрай, Пскент, Тошкент, Чиноз, Янгийўл туманлари, Ангрен, Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари киради. Ушбу зоналарда 140439 бош қорамол, 20225 бош қўйэчки, 383 бош чўчқа эмланди. Бу иш давом эттирилмоқда. Давлат чегараларида эса касалликнинг олдини олишга мўлжалланган 17 та, вилоятлараро 12 та маскан ташкил қилинган. Улар дизенфекция қилувчи моддалар, мутахассислар билан таъминланган.

Биз юқорида фақат Тошкент вилоятида оқсил касаллигининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳикоя қилдик. Аслида мамлакатимизнинг барча жойларида ҳам бундай чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Чегараларимиз мустаҳкам. Лекин бу хотиржамликка берилишга асос бўла олмайди. Қачонки, ҳаммамиз барча жойда санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилсак, бу хавфли эпидемиянинг олдини олган бўламиз.

Ҳосил КАРИМОВ, Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

Суратларда: божхона масканларидан лавҳалар.

Матбуотга эътибор

Навоий вилоят ҳокимлигида журналист ва матбаачилар иштирокида мулоқот бўлиб ўтди. Унда вилоят оммавий ахборот воситалари ходимларининг кенгаши ташкил этилди. Унинг мақсади ислоҳотлар ва янгиланишлар жараёни оммавий ахборот воситаларида ҳаққоний ва холисона ёритилишини кучайтириш, ўзгаришлар солномачиси бўлган журналистлар муаммоларини ҳал этишдан иборатдир.

Айни пайтда вилоятда 26 та газета фаолият кўрсатмоқда. Аммо уларни чоп этиш, моддий-техника ҳолати, нашрларни муштарийларга етказишда бир қанча муаммолар мавжуд. Хатирчи, Конимех, Учқудуқ, Томди, Навоий туманлари газеталари эски усулда босилмоқда. Чунки вилоятда замонавий босмахона йўқ. Бунинг устига таҳлилий, мушоҳадага чорловчи, муштарийни қизиқтирувчи, камчиликларни очиб ташловчи мақолалар кам. Иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳақидаги материалларнинг сифати талаб даражасида эмас.

Вилоят ҳокими F.Дилов ва бошқа сўзга чиққанлар тизимдаги муаммолар сабабларини таҳлил этишди. Кенгаш фаолияти, барча соҳалардаги ислоҳотларни тезкор ва таъсирчан ёритиш, шаҳар ва туман газеталарининг моддий-техникавий негизини яхшилаш билан боғлиқ вазифалар белгилаб олинди.

Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири.

Соғломлаштириш маскани

Боғдод туманидаги Мирзаобод қишлоғида қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Ва у "Жаҳон банки"нинг соғломлаштириш лойиҳаси асосида ажратилган уч миллион сўмлик кредит ҳисобига олинган замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Қишлоқ врачлик пунктида доялик хизмати, тиш даволаш, ташхис қўйиш, лаборатория бўлимлари мавжуд бўлиб, мирзаободлик ва ён атроф қишлоқларда яшовчи 5 мингдан зиёд кишига хизмат кўрсатилади.

Ўз мухбиримиз.

ЯНГИ ҒИШТ ЗАВОДИ

Қамашида янги ғишт заводи ишга тушди. Заводда 16 турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда. Германия ва Туркиядан келтирилган замонавий технологик линиялар маҳаллий хомашёдан бир йилда 64 миллион дона сопол ғишт, плитка ва бошқа қурилишбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Қамашидаги бу ғишт заводи вилоятда "Қашқадарёмармар" ҳиссадорлик жамиятидан кейинги иккинчи йирик корхонадир.

Қўшхабар

САХОВАТ

"Қашқадарёматлуботсавдо" акционерлик компанияси ҳомийлигида Қарши шаҳридаги "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари учун меҳр ва саховат кечаси ташкил этилди. Шаҳарнинг энг кўркам ва обод гўшаларидан бирида ўтказилган тадбирда "Меҳрибонлик уйи"нинг 52 нафар тарбияланувчисига кийим-кечак, турли хил ўйинчоқлар, спорт анжомлари, ўқув қуроллари ва бошқа совғалар топширилди.

Мамлакатимиз пойтахтидан ташриф буюрган бир гуруҳ санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар тантанага алоҳида файз киритди. Ўз навбатида "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари тайёрлаган мусиқали дастур ҳам йиғилганларга манзур бўлди.

А.ТАЙПАТОВ, ЎзА мухбири.

Долзарб мавзуда мулоқот

Қонун ижроси билан

Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисида ютуқлар ва йўл қўйилган хатолар таҳлил қилинди. Вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, Адлия вазирлиги шартномаларнинг тузилишида камчиликларни бартараф этиш, уларни бажариш юзасидан масъулиятни ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлар, фермер, ижарачиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда нималарга эътиборни қаратиши лозимлиги уқдирилди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А. ПОЛВОН-ЗОДА билан бу борада қилинаётган ишлар ва келгусидаги режалар хусусида суҳбатлашдик.

— Абдусамат Абдуҳамидович, маълумки, бугун тадбиркорлик ривожига мамлакат иқтисодининг таянчи, халқ фаровонлигининг манбаи сифатида қаралмоқда. Аввало, вазирликнинг бу борадаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш борасидаги фаолияти хусусида тўхталсангиз...

— Кейинги даврда Адлия вазирлиги ва бошқа идоралар иштирокида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди ва Олий Мажлис томонидан қабул қилинди. Шунингдек, вазирлигимиз томонидан вазирлик ва идоралар-нинг амалдаги барча — 1130 дан ортиқ йўриқнома ва бошқа меъёрий ҳужжатлари чуқур таҳлил қилинди. Улардан 448 тасини қайта кўриб чиқиш учун тегишли идораларга тақдимномалар киритилди ва амалдаги қонунларга, жумладан, ўтган йили Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган тадбиркорликка оид муҳим қонунларга мослаштирилди. Натижада тадбиркорларнинг ташаббускорлигини ва иқтисодий эркинлигини чеклаётган 238 та меъёрий ҳужжат қайта кўриб чиқилди. Улардан 31 таси янги таҳрирда қабул қилинди, 102 тасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, 89 таси давлат реестридан чиқарилди.

Бу ҳужжатлардаги тадбиркорларнинг фаолиятига тўсиқ бўладиган қатор қоидалар олиб ташланди. Хусусан, кичик ва ўрта бизнес субъектларини давлат рўйхатига олиш, уларга лицензия бериш, экспорт-импорт шартномаларини ҳисобга олишда талаб қилинадиган ҳужжатлар сони ва муддатлари қисқартирилди. Тадбиркорларнинг давлат идораларига ҳисобот топшириши соддалаштирилиб, банклардан кредит олиш жараёни енгиллаштирилди.

Вазирликда қонунчилик тармоқлари бўйича тузилган 19 та ишчи гуруҳи зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган. Улар амалдаги қонунчиликни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқишлари, татбиқ этишда мавжуд муаммоларни таҳлил қилиб, хорижий давлатларнинг ушбу соҳа бўйича тажрибасини ўрганиб, қонун ҳужжатларини янада мукаммаллаштириш, зарур ўзгартишлар киритиш бўйича амалий таклифлар беришлари керак.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими яратилмоқда. Назорат қилувчи органлар томонидан улар фаолиятини ноқонуний текширишларга чек қўйиш учун жиддий, аниқ чоралар қўрилмоқда. Ноқонуний аралашувлар натижасида тадбиркорларга етказилган нафақат моддий ва бой берилган фойда, балки маънавий зарар ҳам айбдор мансабдор шахслардан ундирилмоқда.

Ўтган йил давомида адлия идораларининг судларга киритган даъво аризалари асосида тадбиркорлар фойдасига 204 миллион сўм моддий ва маънавий зарар ундириб берилди. Бевосита 143 айбдор мансабдор шахснинг чўнтагидан тадбиркорларга етказилган 40 миллион сўм ундирилди.

Масалан, Наманган шаҳар «Феруза» хусусий фирмасида Давлатобод тумани солиқ инспекцияси томонидан ноқонуний текшириш ўтказилиб, фирма раҳбари Р. Баратов ва ходими Х. Турсуновага нисбатан Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилган. Наманган шаҳар суди томонидан бу иш кўрилиб, асоссиз жиноий жавобгарликка тортилган тадбиркорлар оқланди. Адлия бошқармасининг даъво аризасига асосан, ноқонуний текшириш ўтказишда айбдор бўлган 4 нафар солиқ инспекцияси ходимидан хусусий фирма фойдасига 156 минг сўм моддий зарар, фирма раҳбари Р. Баратовга 300 минг сўм, сотувчи Х. Турсунова фойдасига 200 минг сўм маънавий зарар ундирилди.

— Бугунги кунда тадбиркор ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳақида гап кетганда, табиийки, Адлия вазирлиги томонидан жорий қилинган «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» эсга тушади. Чунки унинг самараси тадбиркор учун анча яхши бўлди. Шундай эмасми?

— Бу китоб баъзи мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига жиддий тўсиқ бўлгани рост. Тадбиркорни текширишга келган ҳар бир мансабдор шахс томонидан китобни тўлдириш мажбурияти «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда ҳам белгилаб қўйилди. Шунингдек, унинг амалга киритилиши тадбиркорларни мамнун этмоқда. Хусусан, кўрилган чоралар натижасида ноқонуний текширишларнинг сони бир неча ўн бараварга камайди. Ўтган давр мобайнида 70 мингта тадбиркорлик субъектлари «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» билан таъминланди.

— Фуқароларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳақидаги мурожаатларига вазирлик қандай муносабат билдиряпти?

— Ўтган йили тадбиркорлардан жами 1809 та ариза ва шикоят келиб тушди. Улардан 752 таси қаноатлантирилди. Жумладан, 344 таси судларга даъво аризалари киритиш йўли билан ҳал қилинди. Шунингдек, 578 та ариза ва шикоят бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Тадбиркорларнинг «Ишонч телефонлари» орқали 573 та мурожаати қайд этилган бўлиб, кўрилган чоралар натижасида уларнинг бузилган ҳуқуқи тикланди ҳамда йўл-йўриқ кўрсатилди.

Масалан, Сирдарё вилояти адлия бошқармасининг «Ишонч телефони»га тадбиркор М. Насриддиновдан «Пахтабанк»нинг вилоят бошқарувчиси Х. Сайдалиев кредит ажратиш масаласини асоссиз равишда пайсалга солаётганлиги ҳусусида маълумот келиб тушган. Масалани ўрганиш давомида ушбу шикоят тасдиқланиб, адлия бошқармасининг тақдимномасига асосан банк бошқарувчиси Х. Сайдалиев эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди, кредит ажратиш масаласи ижобий ҳал бўлди.

Ўрни келганда таъкидлаш лозимки, 2000 йилда тадбиркорларни ноўрин жиноий жавобгартимиз бу масалага жиддий эътибор қаратиб, «Адлия вазирлиги шартномаларнинг бузилиши бўйича ҳар бир ҳолатнинг далил ва сабабларини чуқур ўрганиши, унинг тагига етиб бориши, шартнома муносабатларини тартибга солиш, қонунийлик нуқтаи назаридан ликка тортиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Аниқланишича, бу борада қўпол хатоликларга йўл қўйилган. Баъзи бир ишлар хўжалик низолари ёки маъмурий хатти-ҳаракатлардан иборат бўлганлигига қарамай, жиноят иши сифатида судларга оширилган. Айримлари бўйича ўта оғир жазолар тайинланган. Албатта, бу хатолар ўз вақтида тузатилди. Натижада асоссиз жиноий жавобгарликка тортилган 278 нафар тадбиркор оқланди. Шуни айтиш керакки, аввалги йиллардаги амалиётда тадбиркорларни оқлаш ҳолати бўлмаган эди. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан уларга нисбатан жиноий иш қўзғатиш амалиётида ҳам ижобий ўзгаришлар мавжуд. Маълумотларга кўра, ўтган йили 1999 йилга нисбатан судланган тадбиркорларнинг сони икки баробарга, озодликдан маҳрум этилганлар сони олти баробарга камайган.

— Бозор иқтисодиёти шароитида шартномавий муносабатларнинг тартибга солиниши долзарб масалалардан биридир. Айнан шу вазифа ҳам вазирлик зиммасига юкланган. Хўш, бу борадаги ютуқ ва камчиликлар нималардан иборат?

— Шуни тан олиш керакки, шартномаларни тўғри тузиш ва бажарилишини таъминлаш иқтисодиётни ислоҳ этиш тизимида, айниқса, қишлоқ жойларида энг заиф бўғин бўлиб қолмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил якунларига бағишланган йиғилишида ҳам Президентомонларнинг шартномаларни тўғри тузиш, энг муҳими, уларни бажариш юзасидан масъулиятини ошириш борасидаги ишларни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариши даркор», деб таъкидлаганди. Очиғини айтай, бугунги кунда шартномавий муносабатлардаги аҳвол талаб даражасида эмас. Ҳали ҳам шартномалар корхоналар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг асосий воситасига айланганича йўқ. Жойларда бу муҳим масалага юзаки ёндашиш, шартномаларни ўз вақтида тузмаслик, уларнинг шартларини бажармаслик ҳолатлари тўла бартараф этилмаган. Ушбу камчиликларга барҳам бериш мақсадида адлия идоралари минглаб шартномаларни ўрганиб чиқди. Қонунга мувофиқ келмайдиганлари қайтадан туздирилди. Хўжалик юритувчи субъектлар учун услубий қўлланмалар, тавсиялар ва шартномалар намуналари ишлаб чиқилди ва тарқатилди.

Асосий эътибор ширкат хўжаликлари билан оила пудратчилари ўртасида тузилган ички хўжалик шартномалари ҳамда фермер хўжаликларининг тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан тузган шартномаларининг қонунийлигига қаратилди. Ички хўжалик шартномаларининг мониторингини юритиш учун республикамиз мавжуд ширкатлардаги ички хўжалик шартномалари ҳам тўлиқ ўрганиб чиқилди.

Шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги оқибатида оила пудратчилари ва фермерларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундиришни сўраб, судларга даъво аризалари билан чиқиш йўлга қўйилди. Бунда пудратчи ва фермерларга етказилган маънавий зарарни бевосита айбдор мансабдор шахсларнинг чўнтагидан ундириш тамойили қўлланилмоқда. Хусусан, ўтган давр мобайнида адлия идоралари томонидан оила пудратчилари манфаатини кўзлаб судларга киритилган даъво аризалари асосида уларга 27 миллион сўм ундириб берилди.

Фермерлар ва пудратчилар томонидан топширилган маҳсулотлар учун йиллар давомида ҳақ тўламаслик ҳоллари мавжуд. Ушбу ҳолатлар бўйича зарур чоралар кўрилмоқда. Масалан, Жиззах вилояти адлия бошқармасининг даъво аризасига кўра, «Иржар» пахта тозалаш заводидан «Отақўл» фермер хўжалиги ҳисобига топширилган пахта хом ашёсининг ҳақи ҳамда унга етказилган 224 минг сўм моддий зарар ундириб берилди. Бундан ташқари, завод директорининг чўнтагидан фермерга етказилган 250 минг сўм маънавий зарар ундирилди. Бу каби ҳолатлар бўйича адлия идоралари томонидан 800 дан ортиқ даъво аризалари киритилди. Бундан ташқари, шартнома интизомининг бузилиши бўйича хўжалик юритувчи субъектларга 721 та тақдимнома киритилган бўлиб, етказилган 38 миллион сўм зарар ундириб берилди.

Жорий йил давомида ҳар бир тумандаги намунавий ширкатлар ва фермер хўжаликларида доимий равишда фермерлар ва ижарачилар иштирокида ҳар ой камида бир марта

9 апрел — Амир Темур таваллуд топган кун



Маълумки, совет мустамлакачилиги даврида, яккаҳоким коммунистик мафкура шароитида улуғ аждодларимиз тўғрисида сукут сақлашга мажбур эдик. Оқибатда Амир Темур каби ажойиб мутафаккир, донишманд давлат арбоблари ё унутилди ёки қоралаб тилга олинди. Соҳибқирон «саводсиз» деб ҳисобланиб, унинг кўпқиррали ибратомуз фаолияти туфайли яратилган бой мероси сохталаштирилиб, ундан атайлаб нуқсонлар ва хатолар изланди.

Куч-қудрат адолат ва халқпарварликда

Ҳинд соҳилларидан Волга дарёсигача, мўғул даштларидан Ўрта ер денгизигача чўзилган буюк давлатни бошқариш учун нафақат одил, моҳир арбоб, даставвал инсонпарвар, ниҳоятда фозил, ҳар соҳада билимдон ва донишманд подшоҳ зарур эди. Машҳур «Темур тузуклари» Соҳибқирон бобомиз шундай давлат арбоби эканлигининг ёрқин ифодасидир. Унинг ўз давлатида қонунчиликни ҳар томонлама ривожлантириб, «адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини» ўзидан рози этганлигини алоҳида қайд қилиш зарур. Соҳибқирон салтанат тўнини кийгач, ўз ибораси билан айтганда, ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб, ранжу меҳнат ва азму жазм билан иш тутган ҳукмдор эди. «Хайр-эҳсон ишларим билан, — деб ёзади одил амир, — одамлар кўнглидан жой олдим. Тўғри сиёсат ва инсоф билан сипоҳийларим ва раиятни умид ва қўрқинч орасида сақладим. Фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим, сипоҳийларга иноъомлар улашдим. Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим». Хуллас, ижтимоий адолатпарварлик — Амир Темурнинг давлат бошқарувидаги энг устувор қонун-қоидаларидан бири эди.

Соҳибқирон ўзининг ижтимоий сиёсатида ва этномаданият соҳасида инсон, жамият ва табиатга чексиз ғамхўрлик намоён қилган. Чунки ҳар бир давлатнинг кучқуввати даставвал халқ фаровонлигига, мамлакатнинг осойишталигига боғлиқ. Соҳибқирон яхши тушунганки, раият қанчалик тўқ-фаровон бўлса, давлат шунчалик бақувват бўлади, уни ҳеч қандай душман енга олмайди. Мазкур ғояга таянган Темур мамлакатни бой қилиш, тижоратни ривожлантириш, фаровон ҳаёт ўрнатиш сиёсатини олиб борган.

Темурнинг ташқи сиёсатдаги донолиги алоҳида мавзу. «Темур тузуклари»да Соҳибқирон шундай деб ёзади: «Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, ўша ернинг обрўэътиборли кишиларини азиз билдим, саййидлари, уламолари, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим, уларга суюғол, вазифалар бериб, маошларини белгиладим, ўша вилоятнинг улуғларини оға-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим».

Ҳукмдор салтанатни идора этишда ўзига қарашли ҳар мамлакатда яхши кишиларга яхшилик қилган, нафси ёмонлар, бузуқлар ва ахлоқсиз одамларни мамлакатдан қувиб чиқарган. «Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, — деб ёзади Амир Темур, — зулму ситам йўлини тўсдим. Ўз эрки билан менга бўйсунган вилоят ҳокимларига ўша юрт ҳукуматини қайтариб бердим ва уларни инъому эҳсон билан қадрлаб, ўзимга муте қилиб олдим, бўйсунмаганларни эса қилмишига яраша жазоладим. Одил, оқил ва уддабурон кишиларни уларга ҳоким этиб тайинладим».

Амир Темурнинг донишманд давлат арбоби сифатида юритган сиёсати, ислоҳотлари, кўрган тадбирлари, айниқса, биз мустақилликка эришган даврда асқотмоқда. Соҳибқирон ҳикматларидан ҳаётбахш ибратлар топмоқдамиз. Темур иши ва Темур йўли давом этмоқда.

Исо ЖАББОРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

Топган гул...

Шўрчилик боғбон Ҳайдар Маҳмудов бир миллион туп дарахт кўчати етиштиришга аҳд қилган одам. Яна у ўстирган дарахтларнинг ғаройиблигини кўринг: сарв, лавр, хурмо, дуб, Япон ипаги дарахти, можвелник, барги ҳоворанг қайрағоч...

Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини у энг қутлуғ тўйлардан бири, деб биларди. Шу тўйга мендан тўёна бўлсин, деб, Ал-Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳи боғига бу йил 300 туп кўчат ўтқазди. Воҳанинг бошқа диққатга сазовор масканларига ўзи етиштирган кўчатлардан туҳфа қилди.

Ўз мухбиримиз.

Кучли

семинарлар ва ўқув машғулотлари ўтказиб туриш режалаштирилаяпти.

— Маълумки, вазирлик тадбиркорлик равнақи учун катта ишларни амалга оширяпти. Ислоҳот йўлидаги ғовларни олиб ташлаш мақсадида ходимларингиз текширишлар ўтказишмоқда. Айтинг-чи, унинг натижалари қониқарлими?

— Ходимларимиз бевосита жойларга чиқиб, республиканинг барча ҳудудларида иқтисодий қонунчиликнинг ижроси ва тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳолати, шартномавий муносабатларнинг аҳволини чуқур таҳлил қилишмоқда. Ушбу текширишларда ҳокимликлар, солиқ ва божхона органлари, тижорат банклари, назорат қилувчи идоралар, тайёрловчи, хизмат кўрсатувчи корхоналар ва бошқа мутасадди давлат идораларининг фаолияти қамраб олинди. Текшириш натижаси тадбиркорларни рўйхатга олиш тартибининг бузилиши, қонун билан белгиланмаган ортиқча ҳужжатларнинг талаб қилиниши, уларнинг мурожаатларига лоқайдлик билан қараш, банклар томонидан кредит ажратишда сансалорликка, солиқ ва бошқа назорат қилувчи идоралар томонидан ноқонуний текширишларга ҳанузгача йўл қўйилаётганлигини кўрсатмоқда. Тадбиркорларни ноқонуний равишда маъмурий, молиявий, айрим ҳолларда эса жиноий жавобгарликка тортиш ҳоллари аниқланмоқда. Шу билан бирга, республиканинг вилоят ва туманларида баъзи ҳокимликлар тадбиркорларнинг маблағларини уларнинг розилигисиз ҳар хил тадбирлар ўтказишга, маъмурий биноларни таъмирлашга жалб қилиш қусури кенг тарқалган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги Фармони билан қатъий равишда таъқиқлаб қўйилганлигига қарамай, ҳокимликлар қошида тадбиркорларнинг маблағлари ҳисобидан бюджетдан ташқари турли жамғармалар ташкил қилиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Бу хусусий мулк эгасининг ҳуқуқларини қўпол равишда бузиш бўлиб, кичик ва ўрта бизнеснинг, фермерларнинг ривожига тўсқинлик қиляпти.

Биз ночор ва етим-есирларга, моддий томондан кам таъминланган оилаларга ўз хоҳиши билан имкониятидан келиб чиқиб, ҳомийлик қилишни тўғри тушунамиз. Лекин юқоридаги каби услублар билан тадбиркорларга зўравонлик ўтказиш мулкдорлар синфини яратиш сиёсатига тўсқинлик қилишдир. Қолаверса, бу жиноят ҳам.

Аллия идоралари бундай қонунбузилишларига йўл қўймаслик бўйича аниқ чоралар кўрмоқда, лекин улар ҳозирча етарли эмас.

Жойларда фермерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Лекин таҳлил натижаси бу соҳада ҳали кўплаб камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Хусусан, баъзи ҳолларда ширкат хўжалиги раҳбарлари томонидан фермерларга ер ажратиб бериш тўғрисидаги қарорларни ўз вақтида ижро этмаслик, фермерларнинг ерини ноқонуний равишда, ижара шартномасини бир томонлама бекор қилиб, тортиб олиш ҳолатлари аниқланди. Масалан, Қашқадарё вилояти Чироқчи туманининг С. Жўраев номли ширкат хўжалиги раиси Ж. Пирназаров «Раҳим» фермер хўжалигининг 10 гектар ерини ноқонуний равишда олиб қўйган. Ушбу ҳолат бўйича вилоят адлия бошқармасининг туман судига киритган даъво аризаси қаноатлантирилиб, фермернинг ерга бўлган ҳуқуқи тикланди ҳамда унинг фойдасига ширкат раисидан 53 минг сўм моддий ва 52 минг сўм маънавий зарар ундириб берилди.

Шунингдек, фермерлар ва бошқа тадбиркорларнинг хомашё ва моддий-техник ресурсларга бўлган эҳтиёжлари қондирилмаслиги, топширилган маҳсулотига ўз вақтида ҳақ тўланмаслиги, шартнома интизомига риоя этмаслик каби ҳолатлар мавжуд. Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан ушбу қонунбузилишлардан ўз аъзоларини ҳимоя қилиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш ишлари қониқарсиз ташкил этилган.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, оилавий пудратчиларга пудрат шартномаси асосида чек дафтарчаси берилиши ва уни юритиш талаб даражасида эмас. Айрим ширкатларда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш эски услубда юритилмоқда. Масалан, Тошкент вилояти Пскент туманидаги «Пскент» ширкат хўжалигида ҳанузгача бригадир лавозими сақлаб қолиниб, уларга оила пудратчилари ҳисобидан маош тўлаб келинган. Оила пудратчиларига чек дафтарчалари тарқатилмаган, ҳисоб-китоблар, иш ҳақлари «накладной» ва табел асосида амалга оширилмоқда. Чек дафтарчалари фақатгина хўжалик томонидан тўлдирилиб борилган. Сарф-харажатлар лимитининг умумий миқдори белгилаб қўйилган бўлса-да, уларнинг сарфланиши кўрсатилмаган.

Бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Чек дафтарчаларидан фойдаланиш тартиби жорий қилинди ва ички шартномалар бўйича жойларга тавсиялар етказилди.

Рўзибой САИДОВ
суҳбатлашди.

Маънавиятимизнинг нурли даргоҳи

Тошкент Ислом университети ташкил топганига икки йил тўлди

Тошкент Ислом университети ҳаётидаги муҳим воқеа муносабати билан университетнинг фан ва ўқув ишлари бўйича проректори Абдулҳай Абдуллаев газета мухбирига шундай фикрларни айтди:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 7 апрелдаги Фармони асосида Тошкент Ислом университетининг ташкил этилиши мустақиллик туфайли эришилган маънавий ҳаётдаги энг улкан ютуқлардан биридир.

Мазкур дорилфунуннинг ташкил этилиши бир неча муҳим сабабларга кўра тарихий аҳамиятлидир. Аввало, Ўзбекистон азалдан жаҳонда илм-фан, маданият, исломнинг назарий жиҳатдан ривожланган ўлкаси бўлиб, бу диёрда олим ва фозиллар, дунёвий ва исломий илмларнинг билимдонлари етишиб чиқдилар. Улардан қолган улкан ва ноёб меросни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, аждодларимизнинг буюк ғояларини замонавий руҳда ривожлантириш зарурияти ҳаёт кўндаланг қўймоқда. Бундай вазифани бажариш учун эса замон талаблари даражасидаги ҳам дунёвий, ҳам диний йўналишдаги илмларни ўзаро узвийликда чуқур эгаллаган малакали мутахассис кадрларни ҳам етиштириш керак. Айнан шу хайрли ишни Тошкент Ислом университети бажаришга даъват этилган.

Қолаверса, эндигина мустақил ҳаётга қадам босган юртимизда диний экстремистик ғояларга қарши турадиган чуқур билимли мутахассисларнинг камлиги сабабли исломнинг асл моҳиятига зид, диний ақидапарастликнинг хавфли йўналишлари кириб келиб, мустақил Ўзбекистон тараққиётига монелик кўрсатиш таҳдиди ҳам туғилди.

Мана шундай улкан маънавий эҳтиёж, яъни асл ислом таълимоти билан чуқур қуролланган мустаҳкам эътиқодли мутахассис кадрларга зарурият ҳам Тошкент Ислом университетининг тараққиётимиздаги салмоқли ўрнини белгилайди. Бундай кадрлар кўпайгани ва ҳаётимизга фаол аралашгани сайин жаҳолатнинг, ақидапарастликнинг пайлари тобора қирқилиб бораверади.

Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов университетнинг очилиш маросимида шундай деган эдилар:

— Шу олий илм даргоҳида таҳсил кўрган, билим олган, тарбия топган ёшларимиз ичидан, менинг фарзандларим орасидан янги-янги Бухорийлар, Замахшарийлар, Термизийлар, Нақшбандийларни тайёрлаб чиқариш, ўйлайманки, бизларнинг мана шу олий даргоҳнинг асосий мақсади деб ҳисобласак, бу ҳеч қандай хато бўлмас.

Нақадар ғурурбахш ва албатта, биз — устозлар ҳамда талабаларнинг зиммасига юксак масъулият юклайдиган сўзлар бу!

Ишончимиз комилки, университетимиз ёшлари ана шу ишончни оқлайдиган, азиз Ватанимизда давом этаётган миллий тикланиш, тараққиёт жараёнига астойдил ва юксак салоҳият билан хизмат қиладиган, қайга борсалар бир нурафшон ирмоқ каби нур, зиё бахш этадиган инсонлар бўлиб етишадилар. Кўркам миноралардек қад кўтариб, юртимизнинг кўрки, ота-оналар ва биз — устозларнинг ифтихори, Ватан фахри бўладилар.

Биз — устозлар эса бунинг учун бор тажрибамиз, куч ва ғайратимизни аямаймиз.

Ислом тарихи ва фалсафаси — янги авлодларга

Давлатимиз раҳбарининг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» номли машҳур рисоласида қуйидаги ажойиб фикрларини ўқиймиз: **«Биз мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам бахраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз. Бошқача айтганда, биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўгитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз».**



Тошкент Ислом университети факультетлари — диншунослик, исломшунослик, шарқ тиллари, демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедралари фаолият олиб бормоқда. Ушбу кафедраларда араб тили, форс тили, ўзбек тили, рус тили, диншунослик, диншунослик, ислом манбаашунослиги, Қуръон илмлари, ислом дини тарихи ва фалсафаси, шарқ халқлари тарихи, ҳуқуқшунослик, Ўзбекистон тарихи, жаҳон тарихи, маънавият асослари фанлари бўйича дарслар ўтилмоқда.

Шунингдек, университет Илмий кенгаши қарорига биноан мустақил Ўзбекистонда динга янгича муносабатни ўрганиш мақсадида Президент Ислом Каримов асарлари асосида «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» ва «Ўзбекистон алломалари» мавзуларида махсус курслар ўқитилмоқда. Аҳли толибларга маърузалар ўқиш учун университетга республиканинг давлат ва жамоат арбоблари, шоир ва ёзувчилари, олий тоифали мутахассислар ва диний уламолар кенг жалб этилмоқда.

Ҳам дунёвий, ҳам диний илм йўлида

— Айрим кишилар Ислом университети фақат диний таълим берувчи ўқув юрти деб тушунадилар, — деди биз билан суҳбатда «Шариат (фиқҳ), иқтисод ва табиий фанлар» факультети декани Р.Абдуллаев. — Аслида эса бу маскан дунёвий университет бўлиб, у мамлакатимиздаги бошқа олий ўқув юртлари сингари жамиятимиз учун ниҳоятда зарур мутахассислар тайёрлаб беради. Асосий фарқ шундаки, бу ерда тайёрланган бакалавр ёки магистр кадрлар ўз ихтисослиги билан бирга Ислом асосларини чуқур эгаллаган кишилар бўлиб етишадилар. Университетнинг «Шариат (фиқҳ), иқтисод ва табиий фанлар» факультети мана шу вазифани бажаришда муҳим ўрин тутади.

Ушбу факультет таркибида «Информатика ва табиий фанлар», «Ғарб тиллари», «Ислом ҳуқуқи», «Жисмоний тарбия» кафедралари мавжуд. Келгуси йили факультетда «Халқаро иқтисодий муносабатлар» кафедрасини очиш кўзда тутилмоқда. Факультетда талабалар ўзлари танлаган уч ихтисослик йўналишида, яъни «Ислом ҳуқуқи», «Халқаро иқтисодий муносабатлар» ва «Информатика ва ахборот технологиялари» бўйича тўрт йил мобайнида таҳсил олиб, бакалавр даражасидаги мутахассис бўлиб етишадилар. Талабалар ичидан энг иқтидорлилари узлуксиз таълим тизимининг кейинги босқичи — магистратурада ўқишни давом эттириб, танланган мутахассислик бўйича ўз билимларини янада чуқурлаштиришлари мумкин.

Факультетда таҳсил олаётган талабалар мутахассислик фанлари билан бир қаторда араб тили ва Ғарб тиллари (инглиз, француз. немис)дан бирини мукаммал даражада ўрганадилар. Шунингдек, улар Қуръон илмлари, тафсир, ҳадис ва бошқа бир қатор исломий фанлар бўйича пухта диний илмга эга бўладилар. Факультет талабаларига бундан ташқари «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда», «Юртимиз алломалари» махсус курслари ўқитилмоқда.

Факультет қошида «Олий математика», «Информатика», «Инглиз тили», «Рус тили», волейбол, баскетбол ва стол тенниси тўгаракларида фаолият кўрсатмоқда.

Исломшунослик илмий-тадқиқот марказида

Юқоридаги Фармонда кўрсатилганидек, университетда Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази ҳам очилди. Илмий-тадқиқот маркази олтита бўлимдан иборат. Ҳозир бу бўлимларда қизғин илмий фаолият йўлга қўйилган.

Қуръони Карим ва тафсирларни ўрганиш бўлимида Қуръоннинг турли даврларда кўчирилган қўлёзмалари, жумладан, Усмон Қуръонини манбаашунослик нуқтаи назаридан ўрганиш, шу асосда Қуръоннинг ўзбек тилидаги илмий, изоҳли нашрини амалга ошириш, Қуръон сўзларининг изоҳли луғатини яратиш каби тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур бўлимда турли мазҳабларга оид тафсирларни ўрганиш ҳам режалаштирилган. Жумладан, Абу Лайс Самарқандийнинг «Баҳрул-улум» номли тафсири, Ибн ал-Касирнинг тафсирлари бўйича тадқиқотлар бошлаб юборилган.

Ҳадисшунослик бўлимида эса ҳадис илмининг илмий-назарий асослари, ҳадис ва муҳаддислар, ҳадисшунослик манбалари, мактаблари, ҳадисларни турли соҳалар билан боғлиқликда ўрганиш йўлга қўйилган. Айни кунларда Имом ал-Бухорий ҳамда Имом ат-Термизий ҳадисларига оид илмий ишлар олиб борилаётир.

Ислом тарихи ва фалсафаси бўлимида мазкур йўналишдаги энг қадимги манбалардан тортиб, замонавий тадқиқотларгача ўрганилади, илмий таҳлил этилади.

Марказнинг энг муҳим бўлимларидан бири — шариат (фиқҳ) бўлимидир. Унда мусулмон ҳуқуқшунослигининг манбалари таржима қилиниб, улар юзасидан тадқиқотлар олиб борилади. Шу кунларда фиқҳ илмининг султони, соҳиби «Ҳидоя» Бурҳониддин Марғинонийнинг ҳаёти, илмий фаолияти, ҳанафий мазҳабининг моҳиятини ўрганиш, Бобурнинг «Мубаййин» фиқҳий манзумаси бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда.

Манбалар хазинаси

Президентимизнинг «Тошкент Ислом университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонида ушбу университет таркибида Манбалар хазинасини яратиш тўғрисида ҳам кўрсатма берилган.

Манбалар хазинаси вужудга келди. Унинг дастлабки фаолияти тўғрисида университет Исломшунослик илмий тадқиқот маркази директори З. Исломов шундай дедилар:

— Ҳозирги кунда бу хазинада Қуръони Каримнинг турли даврларда кўчирилган нодир қўлёзмалари, фиқҳ, тасаввуф ҳамда ислом тарихига оид манбалар, шунингдек турли диний, дунёвий мазмундаги асарларнинг ноёб нусхалари мавжуд. Улар жумласига Хоразмшоҳ Феруз амри билан кўчирилган тасаввуфга оид «Сияру-л-ақтоб» асарининг нафис настаълиқ хатидаги қўлёзмаси, диний аҳком ва ибодат масалаларига бағишланган «Маслаку-л-муттақийн» асарининг қадимий қўлёзма нусхаси, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Тафсири Ҳусайний» китоби, турли фатволарни киритиш мумкин.

Исломшунослик илмий тадқиқот марказининг ходимлари ўз изланишлари билан ушбу илм масканини жаҳоннинг пешқадам марказларидан бирига айлантириш учун бор куч-ғайратлари ва салоҳиятларини сарфламоқдалар.

Академик лицей

Тошкент Ислом университети қошидаги академик лицей 2000-2001 ўқув йилида ўз фаолиятини бошлади, — деди ушбу лицей директори С.Абдуллаев.

Академик лицейнинг асосий мақсади — диншунослик, исломшунослик, ислом тарихи ва фалсафаси, фиқҳ, иқтисодиёт, табиий ва аниқ фанлар йўналишлари билан қизиқувчи, олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириш учун чуқур илмий-назарий билимга эга бўлган ёшларни ўқишга жалб этиш ва уларга ўз истеъдодларини ривожлантириш учун имконият яратиб беришдан иборатдир.

Ҳозирги кунда академик лицейда иккита йўналиш: ижтимоий-гуманитар фанлар ва аниқ фанлар гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, уларда 47 ўқувчи таҳсил олмоқда.

Академик лицей ўзининг замонавий талаблар асосида жиҳозланган ўқув-лаборатория хоналарига эга, талабалар илғор технология асосида жиҳозланган хоналар, кутубхона ва жисмоний тарбия мажмуидан ҳам фойдаланишади. Бу ерда дарс машғулотлари олиб бораётган ўқитувчиларнинг аксарияти Ислом университетининг профессор-ўқитувчиларидир. Академик лицейда ўқувчиларга уларнинг салоҳиятига кўра алоҳида билим беришга эътибор билан қаралади. Улар учун дарсдан кейин шуғулланиш мақсадида 11 та тўгарак ташкил этилган. Ўқувчилар бепул тушлик билан таъминланган ҳамда улар учун махсус ўқув кийими университетни Ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан тиктириб берилган.

Ўқувчиларнинг маънавий камолотини таъминлаш мақсадида кенг қамровли тадбирлар олиб борилмоқда. «Миллий истиқлол ғояси: биз уни қандай тушунамиз», «Ўзбекистон истиқболи — ёшлар қўлида», «Ўзбекистон — буюк алломалар Ватани», «Ўзбекистонда диний бағрикенглик тамойиллари» каби мавзулардаги суҳбат ва учрашувлар ўқувчилар дунёқарашини бойитишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Академик лицейнинг ҳар бир ўқувчисига истеъдод ва салоҳиятини кўрсатиши учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Лицей ўқувчиси Нозила Ғуломова инглиз тили ўқитувчиси Шоира Эрназарова билан бирга «Инглиз тилини ўрганиш ва уни янги технология билан ўқитиш» дастури асосидаги тестларни муваффақиятли топширганликлари учун АҚШнинг Коннектикут штатида тажриба алмашиб қайтдилар.

2001-2002 ўқув йилида ҳам Тошкент Ислом университети академик лицейига барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги умумтаълим ўрта мактабларининг 9-синфини тамомлаган иқтидорли ўқувчилар ижтимоий-гуманитар ва аниқ фанлар йўналишлари бўйича ўқишга танлов асосида қабул қилинадилар.

М.САФАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

7 апрел — Жаҳон саломатлик куни

Ушбу анъанавий халқаро сана бу йил Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташаббуси билан инсониятнинг руҳий саломатлигини сақлашга бағишланди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида эълон қилинган тиббий хизматни ислоҳ қилишга оид Президент Фармони ва унга асосланган ҳукумат қарори ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Бугунги соғлиқни сақлаш тизими кечагисидан катта фарқ қилади. Тизимда беморни даволашдан — касалликнинг олдини олишга, хизмат кўрсатишнинг ҳажми ва туридан — сифат ва самарадорликка, бир сўз билан айтганда, жаҳон андозалари даражасига ўтиляпти.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади. Шу боис ҳам соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди. Дунё мамлакатлари ичида фақат Ўзбекистонда «Соғлом авлод учун» ордениниг таъсис этилиши фикримизнинг исботидир.

Ўтган йили амалга оширилган «Соғлом авлод» давлат дастури нақадар ҳаётий зарурат эканлигини вақтнинг ўзи кўрсатди.

Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида»ги Қарори ва давлат дастури асосида даволаш муассасаларини аҳолига яқинлаштириш мақсадида қишлоқ жойларида врачлик пунктлари қурилиб, замонавий тиббиёт воситалари билан жиҳозланди. Шунингдек, шошилинч тез тиббий ёрдам марказларини ташкил этишдан кўзланган мақсад ҳам аҳолига замонавий тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилашдир.

СУРАТДА: Учқўрғон тумани марказий шифохонасида ташкил этилган «Тез тиббий ёрдам» бўлими ҳамшираси Холида Ҳожибоева.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«Ёш оналар» кўриги

«ЭКОСАН» халқаро жамғармаси «Оналар ва болалар» йилида яна бир хайрли ишга қўл урди. «Экология ва саломатлик кунлари» ҳамда «Она ва бола» давлат дастури тўғрисидаги ҳукумат қарорларини бажариш мақсадида «Ёш оналар» республика кўрик-танловини ўтказишни режалаштирди.

Кўрик-танлов уч босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич — туманларда (маҳаллалараро), иккинчи босқич — вилоят (шаҳар)ларда (туманлараро), учинчи босқич эса — республикада (вилоятлараро) ўтказилади. Ушбу кўрик-танлов Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида якунланиб, ғолиблар аниқланади. Бу хайрли ҳаракат ташаббускорлари «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси ҳамда Республика хотин-қизлар қўмитасидир.

Ғофур ЖАБИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Талабани танловга чорламоқда

Халқаро Қизил хоч қўмитаси халқаро ижтимоий ҳуқуқлар бўйича бешинчи танловини Ўзбекистонда ўтказмоқда.

Бундан мақсад минтақалардан келган талабаларнинг билимларини синаш, уларда халқаро инсонпарварлик ҳуқуқига бўлган қизиқишни уйғотишдир. Танловда Ўрта Осиё олий ўқув юртларидаги юридик факультети талабаларидан иборат ўн тўртта гуруҳ иштирок этиши кузда тутилган.

«Туркистон-пресс».

6-ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО
«СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ»
КЎРГАЗМАСИ

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН, «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»

10-12 апрел

TIHE 2001

Ташкилотчилар:
Тел.: + (998 712) 67 55 04
Факс: + (998 712) 68 67 75
E-mail: uzfair@silk.org

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Тибмаҳсулот» фирмаси

Ишлаш вақти
10 апрел 12:00-18:00
11 апрел 10:00-18:00
12 апрел 10:00-16:00

3976

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИГА 2001-2002 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ

ҚОИДАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 19 апрелдаги Фармонида таъкидланганидек, Академиянинг асосий вазифаси давлат бошқаруви ва жамоат ташкилотлари тизимларининг раҳбарлик лавозимлари учун замонавий талабларга жавоб берадиган, юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат. Ўқув жараёни кадрларнинг сиёсий, маданий, маънавий ва профессионал тайёргарлик мажмуини ўз ичига қамраб олади. Академия таҳсили тингловчиларда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган замонавий туфаккурни, билимдонликни, ташаббускорлик ва муаммоларни ҳал қилишга ижодий ёндошиш фазилатларини шакллантиришга қаратилган.

АКАДЕМИЯДА ҚУЙИДАГИ ФАКУЛЬТЕТЛАР МАВЖУД:

1. *Давлат ва жамият қурилиши (ўқиш муддати — 10 ой);*
2. *Бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари (ўқиш муддати — 10 ой);*
3. *Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар (икки мутахассислик бўйича: «Халқаро муносабатлар», «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар») (ўқиш муддати — 12,5 ой).*

Давлат ва жамият қурилиши, бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари факультетларига тингловчилар ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбар ходимлари, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, хўжалик тизимлари раҳбарлари сафидан ҳар томонлама зукко, маънавий ва профессионал жиҳатдан етук, олий ўқув юртини битирганларидан сўнг камида икки йил меҳнат стажига эга бўлган мутахассислар танлаб олинади.

Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар факультети тингловчилигига Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тизимининг, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, жамоат ва хўжалик тузилмаларининг олий маълумотли, чет тилларини мукаммал биладиган, ташқи алоқалар соҳасида камида 2 йил иш стажига эга, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган юқори ва ўрта бўғин раҳбарлари, халқаро муносабатлар билан шуғулланувчи мутахассислар қабул қилинади.

Академиянинг 10 ва 12,5 ойлик курслари ўқув дастурларини тўлиқ ҳажмда тугатган тингловчиларга танланган мутахассислик бўйича белгиланган шаклда магистр даражасидаги давлат дипломи берилади.

Академияни муваффақиятли тамомлаган тингловчилар сафидан раҳбар лавозимларга номзодларнинг заҳираси шакллантирилади. Академияни битирганлар нуфузли давлат муассасаларининг раҳбар ходимлари лавозимларига қабул қилинишда алоҳида имтиёзга эга бўладилар.

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ:

1. *Академияга тингловчиларни қабул қилиш қабул комиссияси томонидан амалга оширилади. Қабул комиссиясининг таркиби Академия ректори томонидан тасдиқланади.*
2. *Академияга тингловчиларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан белгиланган ўринларга қараб амалга оширилади.*
3. *Ҳужжатлар 1 майдан 31 майгача қабул қилинади.*

Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

- *давлат, жамоат ёки хўжалик тузилмалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят (Тошкент шаҳар) ҳокимлиги раҳбариятининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташкилий-кадрлар сиёсати бўйича хизмати билан келишилган ҳолда тайёрланган йўлланма-тавсиянома;*
- *тавсия этилаётган шахснинг аризаси;*
- *олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;*
- *шахсий варақа;*
- *меҳнат дафтарчасидан кўчирма;*
- *086/у - шаклдаги тиббий маълумотнома;*
- *4х6 сантиметр ўлчамли 6 та рангли фотосурат;*
- *маълумотнома (объективка);*
- *паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.*

4. Академия тингловчилигига номзодлар учун кириш имтиҳонлари фанларидан 1 июндан 10 июнга қадар консультациялар уюштирилади.
5. Кириш имтиҳонлари 11 июндан 23 июнга қадар суҳбат ва компьютер-тест синовлари тарзида ўтказилади.

Тест синовлари мутахассисликларга қараб қуйидаги муайян фанлар мажмуи асосида ўтказилади:

- ***Давлат ва жамият қурилиши бўйича** — Ўзбекистон тарихи,ҳуқуқшунослик,иқтисод.;*
- ***Бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари бўйича** — иқтисод,ҳуқуқшунослик,информатика,маркетинг ва менежмент.*
- *Ижтимоий-сиёсий мавзу ва чет тили (инглиз ва бошқа тиллар) бўйича суҳбат ўтказилади (ҳар иккала факультет учун);*
- ***Халқаро муносабатлар мутахассислиги бўйича** — чет тили,Ўзбекистон тарихи,ҳуқуқшунослик,иқтисод;*
- ***Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар бўйича** — чет тили,иқтисод,ҳуқуқшунослик, информатика,маркетинг ва менежмент.*

Ижтимоий-сиёсий мавзу бўйича суҳбат ўтказилади.

6. Танлов қабул комиссияси томонидан амалга оширилади, у суҳбат ва тест синовлари натижалари асосида рейтинг усулида (таълим йўналишлари ва чет тиллари бўйича алоҳида-алоҳида) ўтказилади.
7. Тингловчиларни ўқитиш манфаатдор корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда алоҳида шахслар билан тузиладиган шартнома асосида ҳам амалга оширилади.
Ўқитиш муддати давомида тингловчиларнинг асосий иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади. Бошқа шаҳарлардан келган тингловчиларга таҳсил мобайнида асосий иш жойидан ўқиш жойигача бориш ва қайтиб келиш йўл ҳақлари ва суткалик харажатлари тўланади ҳамда улар ўқишга йўллаган ташкилот томонидан харажати қопланадиган ётоқхона билан таъминланадилар.
Бошқа давлатлар фуқаролари шартнома (контракт) асосида ўқитилади.
Шартнома (контракт) тузиш шартлари ҳамда ўқиш учун тўлов миқдори Академия қабул комиссияси томонидан белгиланади.
8. Қабул комиссиясининг қарори 1 июлдан кечиктирилмай эълон қилинади.
Ушбу қарор Академия ректорига тингловчиларни ўқишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқларни расмийлаштириш учун асос бўлади.
Тўлов-шартнома асосида ўқишга кираётган шахслар қабули уларнинг ўқиши учун белгиланган тўлов Академия ҳисобига ўтказилганидан сўнг амалга оширилади.

ЎҚИШ 3 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45.
Тел.: 132-60-72, 132-61-43.

4031

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2315, 18042 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Навбатчи — Д. ТУРҒУНОВА.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.15
1 2 3 4 5 6

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

кафедралардаги қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

1. Ботаника курси — мудир (1).
2. Доривор ўсимликларни стандартлаш — катта ассистент (2).
3. Биокимё — катта ўқитувчи (1).
4. Фармация иқтисодиёти ва менежменти — катта ўқитувчи (1).
5. Ноорганик,физик-коллоид кимё — доцент (1).
6. Доривор ўсимликларни ўстириш технологияси — катта ўқитувчи (1).
7. Доривор ўсимликлар биологияси — ассистент (1).
8. Ижтимоий фанлар — катта ўқитувчи (1).
9. Тиббий биологик фанлар — доцент (1).
10. Биотехнология — ассистент (1).

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.

Мурожаат учун манзил:
700015, Тошкент ш., Ойбек кўчаси, 45-уй.

«Ташор» ОАЖ
(Тошкент тажриба таъмирлаш-механика заводи)

- А-01М, А-41, ЯМЗ, Д-240, Д-243, Д-144, Д-37Е, КАММИНЗ (Англия) дизел двигателларининг детал ва агрегатларини 1800 мото/соатли кафолатли капитал таъмирлаш ҳамда мазкур двигателларнинг ёнилғи аппаратурасини капитал таъмирлаш;
- кўчма техник бригадалар билан дизел двигателларига (шу жумладан, КАММИНЗ) таъмирдан сўнг сервис хизмати кўрсатиш;
- автотрактор техникалари учун (янги, қайта тикланган) эҳтиёт қисмларни етказиб бериш;
- фермер ва деҳқонларнинг буюртмаларига кўра қўл меҳнатини механизациялаш учун агрегат ва меҳнат қуролларини тайёрлаш бўйича

ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ.

«Ташор» ОАЖ Ўзбекистон Республикаси ва МДҲ бўйича сервис агентлигини ташкил этиш учун дилерлар (брокерлар)ни ҳамкорлик қилишга таклиф этади.

Баҳолар — келишилган нархда.
Тўлов шакли турлича.

Тел.: (3712) 90-41-75, факс: 90-40-19.

Манзил: 700147, Тошкент ш., А.Каримов к., 5, «ТашОР» ОАЖ.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ
ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

Азиз юртдошлар, ишбилармон ва тадбиркор жаноблар, хорижлик сармоядорлар, сиз республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар филиалларида ташкил этиладиган

АУКЦИОН, ТАНЛОВ, БИРЖА савдоларида:

- турли кўчмас мулклар;
- уй-жойлар;
- қурилиши тугалланмаган иншоотлар;
- автомототранспорт воситалари;
- жисмоний ва юридик шахсларга тегишли уй-жойлар, хусусийлаштирилган квартираларни пул ўтказиш йўли билан сотиб олиш ва сотиш;

- умрбод эгалик қилиш ва мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан уй-жой қуриш учун ер майдонларини ҳамда кўчмас мулклар олди-сотдиси билан шуғулланиш учун брокерлик жойларини сотиб олиш имкониятига эгасиз.

АЗИЗЛАР!
Республика Кўчмас мулк биржаси ҳамда унинг филиаллари сизга сифатли ва арзон хизмат кўрсатишга доимо тайёр!

Республика Кўчмас мулк биржасига марҳамат қилинг!

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй.
Республика Биржалар маркази биноси, республика Кўчмас мулк биржаси, 3-қават, 44-хона.
Маълумот учун телефонлар: 136 26 26, 136 28 75, факс: 136 06 17.

«Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компаниясининг меҳнат жамоаси «Мингбулоқнефт» корхонаси бошлиғи Абдулҳамит Умаровга турмуш ўртоғи **Нафиса УМАРОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби ташкилий-инспекторлик бошқармаси бошлиғи Бекмурод Қодировга падари бузруквори **НОРМУРОД отанинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Енгматтижмарказ» АЖ жамоаси бўлим бошлиғи Рустам Мурсалиевга онаси **Тамара МУРСАЛИЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.